

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ



Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан norma.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 7 октябрда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги УРҚ-355-сон Қонун имзоланди. Мазкур Қонунга биноан:

• ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ КАФОЛАТЛАРИ КУЧАЙТИРИЛДИ

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгартиришларга мувофиқ иш берувчи иш жойларининг белгиланган энг кам миқдори ҳисобидан иш жойларига ишга жойлаштириш учун Қонунда белгиланган тартибда маҳаллий меҳнат органлари ва бошқа органлар томонидан юбориладиган шахсларни ишга қабул қилиши шарт.

Ишга жойлаштириш бўйича қўшимча кафолатлардан фойдаланадиган аҳоли тоифасига қуйидагилар киритилади:

ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек олий ўқув юртинининг давлат грантлари асосида таълим олган битирувчилари;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилганлар.

Ҳазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суд қарорига кўра тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига тортилган шахсларга, одам савдосидан жабрланганларга ва ҳоказоларга ишга жойлаштириш бўйича қўшимча кафолатларни таъминлайди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини яратишга доир қарорларини бажармаганлик учун, шунингдек аввал талабнома берилган, ўрта махсус, касб-хунар таълими ва олий таълим олган ёки касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ва малакасини оширишга юборилган шахсларни ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари маъмурий жавобгарликка тортилади.

Айтиб ўтилган ҳуқуқбузарликларга қўлланганидан айбдор мансабдор шахсларга солинадиган жарималар тартибдаги санкциялар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига тегишли

қўшимчалар киритиш йўли билан белгиланди. Ҳуқуқбузарликлар биринчи марта ёки такрор содир этилганлигига қараб ЭКИХнинг 3 бараваридан 10 бараваригача миқдорда жарима солинади.

Қонунга аҳолини иш билан таъминлашга доир бошқа ўзгартиришлар ҳам киритилди.

• ЭНЕРГИЯДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНМАГАНЛИК УЧУН МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ КУЧАЙТИРИЛДИ

Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг электр ва иссиқлик энергиялари беҳуда сарфланганлиги учун жавобгарликни белгилловчи норма қўшимча қисм билан тўлдирилди, унга мувофиқ худди шундай ҳуқуқбузарлик такрор содир этилган тақдирда, энг кам иш ҳақининг 15 бараваридан 30 бараваригача миқдорда жарима солинади.

Шунингдек, «Энергиядан оқилон фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиришлар киритилиши билан энергия ҳосил қилиш ва уни сарфлаш соҳасидаги корхона ва ташкилотлар мансабдор шахсларининг жавобгарлиги кучайтирилди. Энди энергиядан оқилон фойдаланмаганлик учун ташкилотларнинг мансабдор шахслари шахсан жавобгарлик бўладилар. Илгари юридик шахсларга нисбатан қуйидаги ҳолатларда жазо чоралари қўлланилган:

энергиянинг сифат кўрсаткичлари бузилган;

энергиянинг бевосита нобудгарчилиги асбоблар ёрдамида ёки норматив усул билан аниқланган;

энергия жиҳатидан самарадорлик кўрсаткичлари норматив ҳужжатлар талабларига мос келмайдиган маҳсулот ишлаб чиқарилган;

энергия сарфланишини асбоб ёрдамида ҳисобга олиш бузилган;

сертификатлаштирилмаган энергетика асбоб-ускуналаридан, энергия таъминоти тармоқлари ва тизимларининг элементларидан фойдаланилган;

мавжуд иккиламчи энергия ресурсларидан фойдаланишининг белгиланган улуши таъминланмаган.

Бундан буён мазкур қоидабузарликлар

учун мансабдор шахслар маъмурий тартибда жавобгарликка тортилади, бироқ бу энергия ҳосил қилиш ва уни сарфлаш соҳасида шуғулланаётган юридик шахсларни ўзлари етказган зарарнинг ўрнини қоплаш мажбуриятдан озод этмайди.

«Стандартлаштириш тўғрисида»ги, «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида» қонунларга ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига тегишли ўзгартиришлар киритилди.

Чунончи, давлат инспекторларининг илгари текширилган маҳсулот стандартларининг мажбурий талабларига номувофиқ бўлган ҳолларда уни ишлаб чиқаришни тақиқлаш ёки реализация қилишни (етказиб беришни, сотишни), ундан фойдаланишни (уни ишлатишни) тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги кўрсатмаларини бажармаганлик учун ҳўжалик фаолияти субъектларининг мансабдор шахслари ва яқка тартибдаги тадбиркорлар маъмурий жавобгарликка тортилади.

Тегишли кўрсатмаларни бажармаганлик учун жазо чоралари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда белгиланган. Мазкур ҳуқуқбузарликлар энг кам иш ҳақининг 2 бараваридан 3 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш энг кам иш ҳақининг 3 бараваридан 10 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган сертификатлаштирилмаган маҳсулотни реализация қилганлик учун иқтисодий санкциялар ҳам бекор қилинди. Мазкур ҳолатда тайёрловчининг (тадбиркорнинг) мансабдор шахслари ва яқка тартибдаги тадбиркор-тайёрловчилар маъмурий жавобгарликка тортилади. Бунда маъмурий жазо чораси қўлланилганлиги тайёрловчиларни (тадбиркорларни) мажбурий сертификатлаштиришни ўтказишдан озод қилмайди.

НОТАРИУС ФАОЛИЯТИДА АУДИО-, ВИДЕО- ВА СУРАТГА ОЛИШГА РУХСАТ ЭТИЛДИ

Адлия вазирининг буйруғи (АВ томонидан 30.09.2013 йилда 2090-7-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги

йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Биринчидан, ҳужжат билан нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга оширишда аудио, видео ва фото қурилмалардан фойдаланишлари мумкинлиги белгиланди. Бироқ нотариуслар уларга мурожаат қилган шахсларни бу ҳақда огоҳлантиришлари керак.

Иккинчидан, ипотека тўғрисидаги шартномани тасдиқлаш учун энди кадастр иши ва солиқ инспекциясидан маълумотнома талаб қилинмайди.

Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун тўланган давлат божларини қайтариш бобида Йўриқнома нормалари Солиқ кодексига мувофиқлаштирилди. Чунончи, давлат божи нотариал ҳаракатларни амалга ошириш рад этилган вақтдагина эмас, балки ортиқча миқдорда тўланганда ҳам қайтарилади.

Бундан ташқари, Йўриқнома қоида билан тўлдирилди, унга биноан васият қилувчининг ўрнига васиятномани имзолашга ҳақли бўлмаган шахслар уни тасдиқлаш чоғида гувоҳ бўлишлари тақиқланади.

Эслатиб ўтавикки, мазкур Йўриқномага мувофиқ қуйидаги шахслар шулар жумласига киради:

нотариус ёки васиятномани тасдиқловчи бошқа шахс;

васиятнома кимнинг фойдасига тузилган ёки кимга нисбатан васият мажбурияти юқлатилган бўлса, ўша шахс, унинг эри (хотини), болалари, ота-онаси, неваралари ва чеваралари, шунингдек васият қилувчининг қонун бўйича меросхўрлари;

тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқаролар;

саводсиз бўлган шахслар ва васиятномани ўқий олмайдиган бошқа шахслар; ёлгон гувоҳлик берганлик учун муқаддам судланган шахслар.

Ушбу Йўриқномага киритилаётган яна бир ўзгартиришга кўра нотариус ишончли вакилга кўчмас мулк ва автототранспорт воситасидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ишончнома бекор қилинганлиги ҳақида дарҳол хабар қилиши шарт.

Тақдим этилган ҳужжатларга қисқача шарҳларни эксперт-юрисгимиз Елена ЕРМОХИНА тайёрлади.

СУД УЧУН БАҲОЛАШ

СУД ЭКСПЕРТЛАРИНИ ГАРОВ ВА ИПОТЕКА БИЛАН БОҒЛИҚ СУД НИЗОЛАРИ ДОИРАСИДА ЖАЛЬ ЭТИШ

Суд ва экспертлик амалиётининг далолат қилишича, судга мурожаат қилиш низони ҳал қилишнинг устувор усулига айланиб бормоқда. Жисмоний ҳамда юридик шахслар ўртасида юзага келадиган низо-ларни жинсий, фуқаролик ва ҳўжалик жараёнларида илмий, техник ва бошқа махсус билимлар воситасида ҳал этиш эҳтиёжи доимо ошиб борапти. Бундай махсус билимларни амалга оширишнинг асосий шакли суд экспертизаси ҳисобланади, унинг натижаси бўлиши эксперт хулосаси эса исботлашлар манбаи бўлиб майдонга чиқяпти.

«Гаров тўғрисида»ги (9.12.1992 йилдаги 736-ХII-сон) ҳамда «Ипотека тўғрисида»ги (4.10.2006 йилдаги УРҚ-58-сон) қонунларнинг қабул қилинишига қадар Ўзбекистонда кўчмас мулк гарови кенг тарқалмаган эди. Бироқ кейинги йилларда давлат томонидан ҳам, фуқаролар томонидан

ҳам ипотекага (кўчмас мулк гаровига) эътибор тезкорлик билан ўсиб борапти.

Ҳозирги вақтда ипотекани ҳуқуқий тартибга солиш бир қатор қонун ҳужжатлари: ипотека тўғрисидаги умумий қоидаларни ўз ичига олган Фуқаролик кодекси (ФК), кўчмас мулк гарови

масалаларини тартибга соладиган «Ипотека тўғрисида»ги Қонун, кўчмас мулк гарови чоғида баҳолаш қоидаларини тартибга соладиган «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонун (19.08.1999 йилдаги 811-1-сон) билан амалга ошириляпти.

Ипотека кенг тарқалаяпти, унга доир суд ишлари миқдори эса кўчмас мулк гарови бўйича низоларни суд тартибда ҳал қилиш ҳам тез-тез учрайдиган ҳодисага айланиб қолганидан дарак беради. Айни шу сабабли ипотека шартномаси бўйича суд амалиёти ушбу жараённинг барча иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотаяпти.

ФКнинг 267-моддасида кредитор талабларини тўлиқ ҳажмда гаровга қўйилган мол-мулк ҳисобига қа-ноатлантириш ҳуқуқи назарда тутилган (кўпинча бундай мол-мулк сифатида кўчмас мулк объектлари – уй-жойлар, квартиралар, тижорий кўчмас мулк майдонга чиқади, чунки айни кўчмас мулк ҳалокат хатарига кам учрайди, уни назорат қилиш осон ва у узоқ вақт мобайнида кредит (қарз)нинг етарлича ишончли таъминоти бўлиши мумкин). Ер участкаларига доир ҳуқуқлар ҳам гаров нарсаи бўлиши мумкин.



Таътил палласи тугаса ҳам, саволлар қолди

Корхонамиз ходими 2013 йил 7 январда ишга қабул қилинди. У кейин меҳнат шартномасини ўз хоҳиши билан бекор қилган ҳолда 2013 йил 7 октябрдан бошлаб унга меҳнат таътили берилиши тўғрисида ариза берди. Меҳнат шартномасига кўра йиллик меҳнат таътили муддати 24 иш кунини ташкил қилади.

Биз унга меҳнат таътилини қанча муддатга беришимиз керак? 18 иш кунгами (7.01.2013 йилдан 6.10.2013 йилгача иш даври, яъни ҳақиқатда ишланган вақт учун) ёки 24 иш кунгами?

Н.Шин.

ДАМ ОЛИШГА ЧИҚИБ, ИШГА ҚАЙТИБ КЕЛМАДИ

– Мазкур вазиятда таътил ҳақиқатда ишланган вақт учун берилмади.

Меҳнат шартномаси ходимнинг хоҳишига кўра бекор қилингандан иш берувчи номига пулли компенсация ўрнига фойдаланилмаган таътилни аслида бериш тўғрисида ариза тақдим этилиши мумкин. Ариза иш берувчининг розилиги билан қаноатлантирилиши мумкин ва кейин меҳнат муносабатлари бекор қилинадиган таътил сифатида расмийлаштирилади.

Ушбу ҳолда меҳнат шартномасини бекор қилиш санаси бўлиб таътил тугаган кун ҳисобланади (Меҳнат кодекси (МК) 152-моддасининг биринчи қисми). У меҳнат дафтарчасига меҳнат шартномасини бекор қилиш санаси сифатида қайд этилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, кейин меҳнат муносабатларини бекор қилган ҳолда таътил бериш қоидаси иш берувчи билан муддатли меҳнат шартномаси туганган ходимларга ҳам татбиқ этилади. У таътил шартнома муддати тугагач тугайдиган ҳолда ҳам амал қилади. Ушбу ҳолда ҳам меҳнат шартномаси муддати тугаган кун эмас, балки таътилни охири кун меҳнат шартномаси бекор қилинган кун ҳисобланади (МК 152-моддасининг учинчи қисми).

Агар ходим унга таътил бериладиган бутун иш йили ишлаган бўлса, таътил тўлиқ ҳажмда (24 иш кун) берилади. Агар иш йили тўлиқ ишланмаган бўлса, таътил муддати ишланган вақтга муносиб равишда ҳар бир тўлиқ таътил миқдорини 12 га бўлиб, сўнг тўлиқ ишланган ойлари сонига кўлайтириш йўли билан аниқланади. Бунда 15 календарь кундан ками чиқариб ташланади (МКнинг 141-моддаси).

Сизнинг ходимингиз тўлиқ 9 ой ишлаган. Унга таътил: $24 / 12 \times 9 = 18$ иш кун миқдорига берилади.

Абдусалом РИСКУЛЛАЕВ, эксперт-юрисгимиз.

БОШ ТОРТИШГА ҲАҚЛИ ЭМАС

Иккинчи йилдирки иш берувчи иш кўплигини ва ж қилиб, менга таътил бермаяпти. Мен дам олишни хоҳлаяпман.

Иш берувчи мен билан тўғри муносабатда бўл-яптими?

Менежер. Тошкент шахри.

– Сиз билан нотўғри иш тутмоқдалар.

Амалдаги Меҳнат кодекси иш берувчиларга бирор-бир асосга кўра ходимга меҳнат таътили бермаслик ҳуқуқини бермайди. Таътил ҳар йили, шу таътил берилаётган иш йили тугагунга қадар берилиши лозим (Меҳнат кодекси (МК) 143-моддасининг бешинчи қисми). Бунда йиллик асосий

таътидан фойдаланиш ҳуқуқи биринчи иш йили учун ходимда мазкур иш берувчида узлуксиз 6 ой ишлаганидан кейин юзага келади (МК 143-моддасининг биринчи қисми).

Ҳатто ишлаб чиқариш тусидаги сабабларга кўра жорий йилда таътилни тўлиқ бериш имкони бўлмаган алоҳида ҳолларда, ходимнинг розилиги билан таъ-

тилни 12 иш кундан ортиқ бўлган қисми кейинги иш йилига кўчирилиши мумкин, шу йили ундан албатта фойдаланилмоғи лозим (МК 143-моддасининг олтинчи қисми). Мазкур меъёр қатъий бўлиб, кенгайтириб талқин этилмаслиги керак.

Текшириш боришида ушбу ҳолатлар аниқланганда иш берувчи меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун энг кам иш ҳақининг 2 бараваридан 5 бараваригача миқдорда маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин (Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддаси).

АГАР ЯРИМ ЙИЛ ЎТГАН БЎЛСА...

Мен ўз ишим билан бирга кадрлар бўлими ходимининг вазифаларини ҳам бажараман ва ушбу саволимга жавоб беришингизни сўрайман.

Ходимларимизнинг бири меҳнатга лаёқатсизлиги сабабли бир ой ишга чиқмай, касаллик варақаси тақдим этди. Ҳозир у ишга чиқди, энди меҳнат таътили олмақчи. У касал бўлган даврни ҳисобга олганда бизда бор-йўғи 8 ойдан бери ишлайди. У таътил олишга ҳақлими? Агар ҳақли бўлса, таътил қанча муддат давом этиши керак?

Бахтиёр. Тошкент шахри.



– Йиллик асосий таътидан фойдаланиш ҳуқуқи ходимда мазкур иш берувчида биринчи иш йили учун узлуксиз 6 ой ишлангандан кейин юзага келади (МКнинг 143-моддаси биринчи қисми). Ушбу муддатга тегишли тарзда расмийлаштирилган вақтинча меҳнатга

лаёқатсизлик давлари ҳам киради.

Шу тариқа, 6 ой ишлаб, ходим тўлиқ ҳажмда йиллик асосий ҳақ тўланадиган таътил олиш ҳуқуқига эга, бунда мазкур иш берувчида ишланган вақт миқдорига муносибликнинг аҳамияти йўқ.

ИШДАН БЎШАЁТГАНДА КОМПЕНСАЦИЯНИ ТЎЛАНГ

Турмуш ўртоғим ХУМШдан ўз хоҳишига кўра Меҳнат кодексининг 99-моддасига асосан ишдан бўшади. У меҳнат шартномаси бекор қилинган кунгача ишлади. Унда фойдаланилмаган меҳнат таътили қолди. Ишдан бўшаётганда таътил учун пуллик компенсация олмади.

Ходимга меҳнат шартномаси бекор қилингандан фойдаланилмаган таътил учун пуллик компенсация тўланадими, у қанча муддатда тўланади, бу талаб қаерда қайд этилган?

О.Идрисова. Тошкент шахри.

– Ҳақиқатан ҳам, баъзан амалиётда меҳнат муносабатлари бекор қилинаётганда иш берувчилар ходимларга фойдаланилмаган йиллик асосий ва кўшимча таътиллар учун пуллик компенсация тўлашни, иш ҳақи тўлашни, меҳнат дафтарчаси ва меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида буйруқ нусхасини беришни асоссиз равишда тўхтатиб турадилар.

Меҳнат шартномаси бекор қилингандан ходимга фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва кўшимча таътиллар учун пуллик компенсация тўланади (Меҳнат кодексининг (МК) 151-моддаси биринчи қисми). МКнинг 110-моддасига мувофиқ,

меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилингандан ходимга тегишли иш ҳақи, унинг миқдори хусусида низо бўлмаса:

1) меҳнат шартномаси бекор қилинган кунга қадар ишлаётган ходимга, – меҳнат шартномаси бекор қилинган кун;

2) меҳнат шартномаси бекор қилинган кун ишламаётган ходимга, – у ҳисобкитоб қилишни талаб этган кун тўланиши керак.

Меҳнат шартномаси ходимнинг ташаббуси билан бекор қилингандан унга тегишли иш ҳақи, унинг миқдори хусусида низо бўлмаса:

1) қонун бўйича ёки шартнома-

га мувофиқ меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида иш берувчини огоҳлантириши шарт бўлган ходимга, – огоҳлантиришига кўра у ишни ташлаб кетишга ҳақли бўлган кундан кечиктирмасдан;

2) меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида иш берувчини огоҳлантириши шарт бўлмаган ходимга, – ишдан кетган кунининг эртасидан кечиктирмасдан тўланиши лозим.

Меҳнат шартномаси бекор қилингандан ходимга тегишли ҳақнинг миқдори юзасидан низо чиққан тақдирда, ходимга шак-шубҳасиз тегадиган суммани иш берувчи худди шу муддатларда тўлаши шарт.

Меҳнат шартномаси бекор қилингандан ходимга тегишли барча суммаларни тўлаш МКнинг 110-моддасига мувофиқ равишда амалга оширилади (МК 161-моддасининг учинчи қисми). Меҳнат шартномаси бекор қилинган кун иш берувчи ходимга унинг меҳнат дафтарчасини ва меҳнат шартномасининг



бекор қилиниши ҳақидаги буйруқнинг нусхасини бериши шарт (МКнинг 108-моддаси).

Турмуш ўртоғингизга унинг мазкур ташкилотда (корхона, муассаса ва бошқаларда) охириги иш кунда, яъни у билан меҳнат шартномаси бекор қилинган кунда иш берувчи фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва кўшимча таътиллар учун пуллик компенсацияни, унга тегишли иш ҳақини тўлаш, шунингдек унинг меҳнат дафтарчаси ва у билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқ нусхасини бериши керак эди.

Ахтам ҲИКМАТОВ, адвокат.

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	28.10.2013	1	0,7844	1	1,0830	1	0,0247
Арманистон	25.10.2013	1	405,84	1	560,02	1	12,78
Беларусь	29.10.2013	1	9180,00	1	12670,00	1	288,50
Грузия	28.10.2013	1	1,6678	1	2,3009	100	5,2649
Қозоғистон	28.10.2013	1	153,80	1	212,51	1	4,85
Қирғизистон	28.10.2013	1	48,5126	1	67,0565	1	1,5315
Латвия	28.10.2013	1	0,509000	1	0,702804	1	0,016000
Литва	29.10.2013	1	2,4996	1	3,4528	1	0,078565
Молдова	28.10.2013	1	12,9093	1	17,8155	1	0,4063
Россия	26.10.2013	1	31,6775	1	43,7625	–	–
Тожикистон	28.10.2013	1	4,7728	1	6,5999	1	0,1499
Украина	14.10.2013	100	799,3000	100	1084,3304	10	2,4813
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 29 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари.....	2088,50	1 Польша злотийси.....	710,25
1 Англия фунт стерлинги.....	3517,65	1 СДР.....	3365,28
1 Дания кронаси.....	402,34	1 Туркия лираси.....	1097,84
1 БАА дирҳами.....	591,89	1 Швейцария франки.....	2434,97
1 АҚШ доллари.....	2173,94	1 ЕВРО.....	2950,08
1 Миср фунти.....	315,54	10 Жанубий Корея вони.....	20,49
1 Исландия кронаси.....	18,15	10 Япония иенаси.....	222,72
1 Канада доллари.....	2083,32	1 Россия рубли.....	68,63
1 Хитой юани.....	357,33	1 Украина гривнаси.....	271,98
1 Малайзия ринггити.....	693,22		

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

МЧЖ директорининг ўринбосарига турли фуқаролик ҳуқуқий битимларни амалга оширишга ишончнома берилган, мол-мулкни бошқа шахсларга ўтказиш бундан мустасно. МЧЖ директорининг буйруғи билан у банкда амалий ҳамкоримиз кредит олиши учун ускуна гаровини расмийлаштириш учун жавобгар шахс этиб белгиланган. Гаровни амалга ошириш учун иштирокчилар умумий йиғилишининг қарори талаб этилмайди, чунки бу йирик битим эмас эди. Кейинроқ ўринбосар банк билан гаров шартномасини имзолади, унинг шартларига кўра ускуна гаров берувчида, яъни МЧЖда қолди.


Ускуна гарови мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш деб ҳисобланадими? Ўринбосар гаров шартномасини имзолашга ҳақли эдимиз?

**Б.Н., бош бухгалтер,
А.И., юрисконсулт.
Сурхондарё вилояти.**

ЎРИНБОСАР «ЧЕГАРАДАН» ЎТИБ КЕТСА

– “Гаров тўғрисида”ги Қонуннинг (9.12.1992 йилдаги 736-ХII-сон, 1.05.1998 йилдаги 614-I-сон Қонун таҳририда) 1-моддаси ва Фуқаролик кодексининг (ФК) 264-моддасига мувофиқ, бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни мажбуриятларни таъминлаш учун бериши гаров ҳисобланади. Бунинг маъноси шуки, ускуна гарови шартномасини имзолаётганда ҳақиқатда гаровга қўйилган мол-мулкка доир ҳуқуқнинг ўтиши (бошқа шахсга ўтказилиши) юз берган. ФКнинг 270-моддасига мувофиқ эса, банкда ускунага ҳуқуқ унинг гарови тўғрисида шартнома тузилган пайтдан бошлаб вужудга келган. Шу муносабат билан ускуна гаров қилиб банкка берилишини мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш бўйича битим деб топиш мумкин.

Хатдан директор ўринбосарига ускуна гарови шартномасини имзолаш ҳуқуқи берилган ёки берилмаганлиги унчалик равшан эмас. МЧЖ юрисконсулти бунга мувофиқ фармойишни (буйруқни) янада аниқроқ таърифлаши керак эди. Бироқ ҳар қандай ҳолда ҳам директор ўринбосари унга ишончнома билан берилган ваколат доирасидан четга чиққан, чунки унда мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш бўйича битимларни содир этишга доир чеклашлар мавжуд. Бу билан ФК 126-моддасининг талаблари бузилган ва бу ҳол гаров шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида хўжалик судига мурожаат этиш учун асос ҳисобланади. Бунда шуни ҳисобга олиш лозимки, суд кейин МЧЖ раҳбарияти томонидан тузилган гаров шартномаси маъқулланган ёки маъқулланмаганлигини ҳам эътиборга олади.



ЯНГИ ОЧИЛГАН ҲОЛАТЛАРГА БИНОАН

Янги очилган ҳолатлар бўйича ишни кўриш чоғида ариза берувчи ўз позициясини хўжалик судлари биринчи инстанцияда ишни кўраётганда қўллайдиган қоидалар билан асослади.

Янги очилган ҳолатлар бўйича ишни кўраётганда хўжалик судлари қандай қоидаларга амал қилишини билмоқчи эдим.

**Т.Кулонов, МЧЖнинг шерик муассиси.
Ангрен шаҳри.**

– Хўжалик суди суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ишларни кўриш чоғида Хўжалик процессуал кодексининг (ХПК) 24-боби ва Олий хўжалик суди Пленумининг “Хўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг қўлланиши ҳақида”ги қарорига (25.07.2003 йилдаги 111-сон, бундан кейин – ОХС Пленумининг Қарори) амал қилади. Ушбу иккала ҳужжатда бундай ишларни кўришнинг қуйидаги қоидалари қайд этилган:

суд ҳужжатини ХПКнинг 204-моддасида назарда тутилган қуйидаги асослар мавжуд бўлганда қайта кўриш мумкин:

1) аризага маълум бўлмаган ва маълум бўлиши мум-

кин бўлмаган, иш учун муҳим ҳолатлар;

2) гувоҳнинг била туриб ёлғон кўрсатувлар бергани, экспертнинг била туриб ёлғон хулоса бергани, таржимоннинг била туриб нотўғри таржима қилгани, ҳужжатлар ёки ашёвий далилларнинг сохталиги, бу ҳол суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган ва ноқонуний ёки асосланмаган суд ҳужжати қабул қилинишига сабаб бўлган бўлса;

3) ишда иштирок этувчи шахслар ёхуд улар вакиллари ёки судьяларнинг шу ишни кўриш вақтидаги суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган жинойи қилмишлари;

4) ушбу ҳал қилув қарорини қабул қилишга асос бўлган хўжалик судининг ҳужжати ёки суднинг ҳал қилув қарори, ҳукми ёхуд бошқа органнинг қарори бекор қилинганлиги;

2012 йилда хўжалик суди суднинг ҳал қилув қарорини янги очилган ҳолатлар бўйича бекор қилиш тўғрисида ажрим чиқарди. Ушбу ҳолатлар суд томонидан кейинчалик бекор қилинган, янги очилган ҳолатлар эса тегишинча керак бўлмай қолган бошқа иш бўйича ҳал қилув қарори қабул қилиниши боис юзага келган.

Хўжалик суди 2012 йилда чиқарилган ажримни янги очилган ва кейинчалик керак бўлмай қолган ҳолатлар бўйича қайта кўришга ҳақлими?

**Ғ.И.Ализода, юрисконсулт.
Сирдарё вилояти.**

– Аввало шуни таъкидлаш лозимки, Хўжалик процессуал кодексининг (ХПК) 204-моддасида назарда тутилган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун асосларнинг рўйхати батафсил ҳисобланади. Бундай асослардан бири мазкур ҳужжатни қабул қилишга асос бўлиб хизмат қилган бошқа иш бўйича суд ҳужжатини бекор қилиш ҳисобланади (ХПК 204-

моддаси иккинчи қисмининг 4-банди).

Шу тариқа, сиз сўз юритаётган ажрим бекор қилинган ҳужжат ҳақиқатан ҳам хўжалик судининг қайта кўрилаётган суд ҳужжатининг асосига қўйилгандагина қайта кўрилиши мумкин (ОХС Пленумининг Қарори 7-банди).

Келтирилган ҳолда суд ҳужжати устидан шикоят қилиш ҳақида эмас, балки уни янги очил-

ган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисида сўз борапти. Мазкур фарқ жуда муҳим, чунки ОХС Пленумининг Қарори 14-банди иккинчи хатбошисига мувофиқ янги очилган ҳолатлар бўйича аризани қаноатлантириш ҳақидаги ажрим устидан шикоят берилмайди. Бу эса ишда иштирок этувчи шахсларнинг янги очилган ҳолатлар бўйича аризани қаноатлантириш тўғрисида чиқарилган ажримни бекор қилиш хусусида апелляция, кассация ёки назорат тартибда шикоят (протест) билан мурожаат қилиши мумкин эмаслигини билдиради. Айни вақтда ХПКнинг 208-моддасида ҳам, ОХС Пленумининг Қарорида ҳам янги очилган ҳолатлар бўйича илгарчи чиқарилган ажримни қайта кўришга ХПКнинг 204-моддасида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда тақиб назарда тутилмаган.

• аризани қайта кўрилаётган ҳужжатни қабул қилган хўжалик суди кўриб чиқади;

• қайта кўриш тўғрисидаги аризани ишда иштирок этган шахслар бериши мумкин, хўжалик судлари эса ўз ташаббусларига кўра ўзлари қабул қилган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришлари мумкин эмас;

• ариза суд ҳужжатини қайта кўриш учун асос бўлиб хизмат қилайдиган ҳолатлар очилган кундан бошлаб 1 ойдан кечиктирмай берилиши керак;

• қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани хўжалик суди у келиб тушган кундан бошлаб бир ой ичида кўриб чиқади;

• хўжалик суди аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича аризани қаноатлантириш ва суд ҳужжатини бекор қилиш ёки буни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради;

• аризани қаноатлантириш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилинмайди ва дарҳол қонуний кучга киради. Рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан апелляция ёки кассация инстанцияларига умумий асосларда шикоят қилиниши мумкин.

Павел СИЛЬНОВ, адвокат.

МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚЛАРИМНИ ҲИМОЯ ҚИЛИНГ!

Мен турли усуллар билан тирноқларни ўстириш технологиясини ишлаб чиқдим. Уларнинг ҳаммасини ўқитувчи DVD дискига ёзиб олдим. Мазкур дисклар Ўзбекистон ҳудудига сотилияпти. Яқинда Тошкентда менинг материаллардан фойдаланиб, тирноқларни ўстириш бўйича сабоқ бераётган аёлни учратдим. Менинг материалларимдан фойдаланилганлиги учун бирор-бир гонорар олишга ҳақлиманими? Мазкур масалани қандай ҳал этиш мумкин – суд орқалими ёки судгача тартибдами? Ўз ишланмамни қўшимча равишда рўйхатдан ўтказишим зарурми?

Оксана. Навоий шаҳри.

– “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуннинг (20.07.2006 йилдаги ЎРҚ-42-сон, бундан кейин – Қонун) 5-моддасига мувофиқ мазкур материаллар муаллифлик ҳуқуқи объекти ҳисобланади. Қонуннинг 10-моддасига кўра, фан, адабиёт ва санъат асарига муаллифлик ҳуқуқи уни яратиб фақти бўйича юзага келади. Муаллифлик ҳуқуқининг юзага келиши ва амалга оширилиши учун мазкур асарларни қўшимча рўйхатдан ўтказиш талаб қилинмайди.

Қонуннинг 62-моддаси қуйидагиларни муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузишга киритади:

а) муаллифларнинг шахсий номулк ҳуқуқларини бузиш;

б) ижрочининг исм-шарифга бўлган ва ижрони ҳар қандай тарзда бузиб кўрсатилишидан ёки ҳар қандай бошқача тарзда тажовуз қилинишидан ҳимоя қилиш ҳуқуқларини бузиш;

в) ҳуқуқ эгаси ёки мулклий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот билан шартнома тузмасдан асарлар ёки турдош ҳуқуқлар объектини такрорлаш, тарқатиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланиш, шундай фойдаланишга шартнома тузмасдан йўл қўйилган ҳоллар бундан мустасно;

г) ҳақ тўлаш тўғрисидаги талабларни бузиш;

д) ҳуқуқ эгаларининг мулклий ҳуқуқларини бошқача тарзда бузиш.

Қонуннинг 65-моддасига асосан муаллиф ҳуқуқбузардан қуйидагиларни талаб қилишга ҳақли:

ҳуқуқларни тан олишини;
ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаши ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини юзага келтирадиган ҳаракатларни тўхтатишини;

ҳуқуқ эгасининг ҳуқуқи бузилмаган тақдирда, у фуқаролик муомаласининг одатдаги шароитларида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромади миқдоридаги зарарларнинг ўрнини қоплашини. Агар ҳуқуқбузар муаллифлик ҳуқуқи ёки турдош ҳуқуқларни бузиш оқибатида даромадлар олган бўлса, ҳуқуқ эгалари бошқа зарарлар билан бир қаторда бой берилган фойдани бундай даромадлардан кам бўлмаган миқдорда қоплашини;

зарарлар етказилиши фактидан қатъи назар, ҳуқуқбузарликнинг хусусияти ва ҳуқуқбузарнинг айби даражасидан келиб чиқиб иш муомаласи одатларини ҳисобга олган ҳолда зарарнинг ўрнини қоплаш эвазига тўлашни лозим бўлган товонни тўлашини;

маънавий зиён қоплашини.

Чиқарилаётган дискларга муаллифлик ҳуқуқларини тўғрисида хабардор қилиш учун қўшимча равишда муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш белгисидан фойдаланиш мумкин, у асарнинг ҳар бир нусхасида жойлаштирилади ва уч элементдан иборат бўлади:

айлана ичидаги лотинча “С” ҳарфи;
танҳо муаллифлик ҳуқуқлари соҳибининг исми (номи);

асар биринчи марта эълон қилинган йил.

Шу тариқа, сиз судга етказилган зарарларни қоплаш, маънавий зиённи компенсациялаш ва муаллифлик ҳуқуқларини тўғрисидаги даъво билан мурожаат қилишингиз мумкин. Бироқ шуни ҳисобга олиш лозимки, ишни суд инстанциясида кўриш чоғида сиз мазкур материалларга муаллифликни исботлашингиз, шунингдек махсулотнинг фирма логотипи билан биргаликда чиқарилаётган DVD дискларига тегишли товар белгисини олиш тўғрисида қайгуришингиз лозим.

Алексей НИЯЗМЕТОВ, юрист.

БЕРИЛГАН ҚАРЗНИ ҚАЙТАРИБ ОЛИШ УЧУН

Мен танишимга 10 000 000 сўм қарз бермоқчиман. Шартномани нотариусда расмийлаштириш шартми ёки тилхат олишнинг ўзи kifоями? Нотариусда шартномани расмийлаштиришнинг ютуқ жойлари нимада? Қарз шартномасини нотариусда расмийлаштириш учун давлат божи қанча миқдорни ташкил этади? Бунда гувоҳлар керакми?

**Х.Мироқилов, пенсионер.
Ғиждувон шаҳри.**

Менга ота-онамдан йирик пул суммаси мерос сифатида теғди. Яқин ва узоқ қариндошларим, дўстларим ва танишларим мени қарз беришим ёки ўз бизнес лойиҳаларини амалга ошириш учун беришимни сўраб ҳоли-жонимга қўйишмаяпти. Қарз бериб, "қуйиб" қолмаслигим учун нима қилишим кераклигини айтсангиз.

**Фарход Ж.
Тошкент вилояти.**

— Жисмоний шахслар ўртасидаги қарз шартномаси, агар унинг суммаси энг кам иш ҳақи миқдорининг 10 бараваридан ошса, оддий ёзма шаклда тузилиши керак. У қарз олувчининг унга қарз берувчи томонидан муайян сумма ёки ашёларнинг муайян миқдори берилганлигини тасдиқлайдиган тилхати бўлганда ҳам ёзма шаклда тузилган деб ҳисобланади.

Шу сабабли, агар сиз ЭКИХнинг 10 бараваридан (ҳозирги пайтда — 915 300 сўм) кам суммаси қарзга бермоқчи бўлсангиз, битимни нотариал тасдиқлаш талаб этилмайди — ёзма қарз шартномаси ёки қарз олувчининг тилхати kifоя. Қарз шартномасини тузиш чоғида қонун гувоҳларнинг бўлишини талаб этмайди. У ҳатто битимнинг оддий ёзма шаклига риоя этмаслиги унинг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келмаслигини, бироқ тарафларни низо юзага келган ҳолатда унинг содир этилганлиги, мазмунини ёки ижросини гувоҳларнинг кўрсатмалари билан тасдиқлаш ҳуқуқидан маҳрум қилишини кўрсатди.

Агар сиз катта суммаси қарзга бермоқчи бўлсангиз, ушбу битимни нотариусда тасдиқлашга ҳаракат қилинг. Нотариус нотариал ҳаракатларни содир этиш учун мурожаат қилувчининг шахсини аниқлаши, юзма-юз суҳбат вақтида фуқароларнинг ҳуқуқий лаёқатини аниқлаши, тарафларнинг ҳақиқий ниятларини белгилаши, мурожаат қилган шахсларнинг илтимосига кўра қарз шартномаси лойиҳасини туза олиши нотариал тасдиқлашнинг ижобий томонларидир.

Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида йўриқноманинг¹ 17-§ига кўра, қарз шартномаси хоҳлаган нотариал идорада тасдиқланиши мумкин. Унда

қарзнинг қайтарилиш муддати, жойи ва мажбурият бажарилиши усуллари ҳақида нотариус томонидан тушунтириш берилганлиги кўрсатилиши керак. Лозим бўлса, нотариус тарафларнинг хоҳиш-истакларини аниқлаш мақсадида ариза олиши мумкин.



Қарз шартномаси бўйича қарз олган шахс томонидан тўлов муддати ўтказиб юборилганда, қарз берувчининг илтимосига кўра нотариус қарздорга мулкни қайтариш ёки қарз суммасини қайтариб бериш тўғрисидаги қарз берувчининг аризасини қарз олган тарафга аризани

топшириш нотариал ҳаракатини амалга ошириши ва бу ҳақда гувоҳнома бериши мумкин.

Яна бир муҳим ютуқ шундан иборатки, қарз шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда нотариус "Нотариат тўғрисида"ги Қонуннинг (26.12.1996 йилдаги 343-1-сон) 76–80-моддалари ва Нотариусларнинг ижро хатларига асосан қарзни ундириш сўзсиз амалга ошириладиган ҳужжатлар рўйхатига² мувофиқ ижро хатларини ёзади. Зеро нотариусларнинг ижро хатлари ижро ҳужжатлари ҳисобланади ва "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонун (29.08.2001 йилдаги 258-11-сон) билан белгиланган қоидаларга биноан ижро этилиши керак.

Қарз шартномасини тасдиқлаганлик учун давлат божи шартнома суммасининг 1%и миқдоридан, бироқ ЭКИХнинг камида 20%и миқдоридан бўлади (ВМнинг 3.11.1994 йилдаги 533-сон

қарори билан тасдиқланган Давлат божи ставкалари 4-бандининг "д" кичик банди).

Агар сизда нотариусга мурожаат қилиш имконияти бўлмаса ёки маълум сабабларга кўра шундай қилишни хоҳламасангиз, юрист ёки адвокатга мурожаат қилишингиз мумкин. Улар сизга шартномани тўғри тузишда ёрдам бериб, унда барча зарур ва муҳим жиҳатларни акс эттирадilar.

¹Адлия вазирининг АВ томонидан 30.03.2010 йилда 2090-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.

²ВМнинг 18.01.2002 йилдаги 26-сон қарори билан тасдиқланган.



ЭХТИЁТ БЎЛИНГ: СИЗНИ ЛАҚИЛЛАТИШЯПТИ

Дўстингни йўқотишни хоҳласанг, унга қарз бер деб бежиз айтишмайди. Зеро пулни ўз вақтида қайтармаслик туфайли баъзан дўстликка путур етибгина қолмайди — яқин кишилар мурасасиз душманларга айланадилар. Бунга мисоллар етарлича.

Бироқ кишилар ҳар қандай сезгирликни йўқотиб, товарларни харид қилиш ёки сотишда тезроқ ёрдам олиш ҳамда фоиз кўринишида фойда топишга умид қилиб, гоҳида эса шунчаки ёрдам қўлини чўзиб, ҳатто яхши таниш бўлмаган кишиларга каттагина маблағларни қарзга берадиган ҳоллар оз эмас. Фирибгарлар алдов йўли билан ишонч қозониб, ушбу маблағларни оладилар, кейин эса ваъдаларини бажармай, қарз суммаларини қайтармайдилар.

Чунончи, Жиноят кодексининг (ЖК) 168-«Фирибгарлик» моддаси бўйича бир неча мартаба судланган фуқаро Э. бировнинг мол-мулкига эга бўлиш учун фуқаро Н.нинг ишончига кирган. Н.га зарур бўлган тиббий аппаратларни харид қилишда ёрдам таклиф этиб, ундан 40 000 000 сўм олган ва тилхат қолдирган. Бироқ ваъдасини бажармаган: тиббий аппаратларни сотиб олмаган, пулни ҳам қайтармаган. Н. бир неча ой давомида Э.дан 40 000 000 сўмни қайтаришни ёки ваъда қилган аппаратларни харид қилишни сўраган. Э. ўз ваъдаларини бажариш ва пулларни қайтариш ниятида эмаслигини тушуниб, Н. ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ариза билан мурожаат қилган.

Кейинроқ аниқланишича, Э. фуқаро аёл Ф.нинг ҳам ишончига кирган экан. Унга Пекиндан жинси газламалардан тайёрланган буюмларни олиб келишини айтиб, ундан 21 000 000 сўм пул олган. Бундан ташқари, ундан реализация қилиш важи билан 577 000 сўмлик косметика маҳсулотлари олган. Шундан сўнг ғойиб бўлган.

Ушбу жиноий қилмишлари учун суд Э.ни ЖК 168-моддаси учинчи қисмининг "а" кичик бандида назарда тутилган жиноятни (ўта йирик миқдорда содир этилган фирибгарлик) содир этишда айбдор деб топди ва уни қаттиқ режимли колонияда жазони ўтаган ҳолда 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этди. Шунингдек Э.дан Ф. фойдасига 21 577 000 сўм, Н. фойдасига эса 40 000 000 сўм ундириш ҳақида қарор қабул қилинди.

Фирибгарлик жуда кўп миқдорда содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг 300 бараваридан 600 бараваригача миқдорда жарима ёки 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 5 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

Жиноят кодекси, 168-модда.

**Ахтам ҲИКМАТОВ,
адвокат.**

ЭЪЛОНЛАР

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*. Тел. 346-16-89.

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан

ўтказиш, қайта ташкил этиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*. Тел.: 281-52-39, 346-16-89.

ХИЗМАТЛАР

Архитектура лойиҳалари ва дизайн. Тел.: (+998 91) 162-60-17.

1С: 7.7 Бухгалтерияга ўқитиш ва ўрнатиш. Тел. (+998 90) 326-89-92.

Картрижларни тўлдириш. UzKART, ОН-ЛАЙН терминаллар жойига чиқиш билан. Тел.: 235-19-91, 171-99-28, 162-34-55. www.likan.uz

Ташкилотлар учун компьютер ва майшият техникасини ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

*Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.

НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

2013 йил НОЯБРЬ ойида

РЕЖА-ЖАДВАЛИ

Ўзбекистон Республикаси назорат қилувчи органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш*

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг 2012 йил 30 ноябрдаги 2/1-Г-сон қарори билан ТАСДИҚЛАНГАН.

Кенгашининг тегишли қарорлари билан режа-жадвалга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР РЎЙХАТИ

Назорат қилувчи орган даражаси
А – туман
В – вилоят
С – республика

Код	Назорат қилувчи орган номи	Код	Назорат қилувчи орган номи	Код	Назорат қилувчи орган номи
1	Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси	20	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнги хавфсизлиги бош бошқармаси	34	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси
2	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги	21	Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси ҳузуридаги Қимматли қозғалар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази	35	Ўзбекистон Республикасининг Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси («Ўздавтемирйўлназорат»)
6	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси	22	Ўзбекистон Республикасининг Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси («Ўздавэнергоназорат»)	37	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Транспорт ички ишлар бошқармаси Ёнги хавфсизлиги бўлими
9	Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси	25	Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини иқтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги	38	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноат, қон иши ва коммунал-مائийш секторда ишларни хавфсиз олиб боришни назорат қилиш давлат инспекцияси («Саноатгеоконтехназорат»)
10	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Лицензиялаш ва нодавлат тиббиёт муассасалари томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини назорат қилиш бошқармаси	26	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси	39	Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси ҳузуридаги Давлат геодезия назорати инспекцияси
11	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази	27	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ветеринария бош давлат бошқармаси	40	«Ўзбектуризм» миллий компанияси
12	Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси	29	Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси	41	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлиги Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси
13	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Чорвачилиқда наслчилик ишлари бўйича бош давлат инспекцияси	30	Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва теле-коммуникация технологиялари соҳасини назорат қилиш давлат инспекцияси	43	Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги
14	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Машина ва ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш бош давлат инспекцияси («Ўздавтехназорат»)	31	Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳузуридаги Бадий экспертиза бошқармаси	45	«Ўзбекино» миллий агентлиги
15	Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги	33	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси («Ўздавнефтьгазинспекция»)	47	Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти
16	Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги				
17	Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат кўмитаси				
18	Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси				
19	Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси				

Хўжалик юритувчи субъектлар эътиборига:

- режа-жадвалнинг биринчи устунда текширилаётган хўжалик субъектининг рўйхатдан ўтказилган номи кўрсатилади;
- иккинчи устунда унинг идентификация рақами кўрсатилади;
- учинчи устунда текшириш ўтказиётган назорат қилувчи органнинг рақамли коди ва назорат қилувчи орган даражасининг (республика, вилоят, туман) ҳарфий коди кўрсатилади.

Ишонч телефонлари:
(371) 244-89-46, 244-89-47, 244-98-22.

Корхона номи СТИР Текширувчи утказувчи назорат қилувчи органлар

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

АМУДАРЁ тумани			
ЖУМУРТАУ ПАРФОРИТ ШК	205010944	1(В), 20(В), 29(В)	
БЕРУНИЙ тумани			
ФАЗИЛБЕК КЕНЖАБЕКОВИЧ ХФ	300787380	1(А)	
НУКУС ш.			
АЛФАРБЕК ИНВЕСТ ЖШЖ	205093264	1(А), 11(А)	
ЗАЙТУН-ЛЕПЕС ЧП	301032379	1(В)	
НУКУС-ПОЛИПРОПИЛЕН ООО	300893170	16(В), 17(В), 20(А), 25(А)	
NASAN OIL-SERVIS МЧЖ	301174510	1(В), 17(В)	
ЛЮЦИЯ НУР ООО	301115194	1(В)	
КАНЛИКЎЛ тумани			
АРҚАР БАТЫР ФХ	203225684	1(А), 29(А)	
КОРАЎЗАК тумани			
ХАЛҚЫ-АМАН ЖМД	204300916	1(А)	
КЕГЕЙЛИ тумани			
ТИЛЕКЕС ФХ	200930680	1(А), 29(А)	
КЕГЕЙЛИ ТАКСИ МЧЖ	301355862	1(А)	
